КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 207 (7347). ● 30 октябрь 1980 йил ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

САНОАТ ХОДИМЛАРИ! ВАТАНИМИЗНИНГ ИНДУСТРИАЛ ҚУДРАТИНИ МУСТАҲКАМЛАНГИЗ!

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТЛАРИНИ ТЕЗРОҚ ЎЗЛАШТИРИНГИЗ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИНГИЗ!

ЯНГИ ТЕХНИКАНИ, ПРОГРЕССИВ ТЕХНОЛОГИЯ ВА ИЛҒОР ТАЖРИБАНИ ЖОРИЙ ЭТИНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь чақириқларидан).

## ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

### БАРАКАЛИ ХИРМОН

БЕКОБОД. Дзержинский номли колхоз пахтакорлари Улуғ Октябрнинг 63 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олаётирлр. Улар оширилган социалистик мажбуриятларини ҳам бажаришди. Қабул пунктларига 6 минг тонна пахта етказиб берилди. 1720 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 29 центнер ўрнига 35 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Баракали «оқ олтин» хирмони уйишда моҳир механик-ҳайдовчилар О. Саъдуллаев, Ш. Дўстмуродов, С. Назимов, А. Маматқуловларнинг ҳиссалари катта бўлди. Улар агрегатлари бункеридан хирмонга 210—260 тоннадан пахта тўкишди. Колхоз меҳнаткашлари етиштирилган барча ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ва давлатга яна 400 тонна пахта топшириш учун курашмоқдалар.

1614 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнердан пахта хирмони кўтарган Навоий номли колхоз аъзолари ҳам оширилган социалистик мажбуриятларини бажаришди. Хўжаликнинг С. Абдуалиев, Ҳ. Эшбеков, С. Тошбоев, С. Мирзаевлар бошлиқ бригадаларида пахта ҳосилдорлиги 50 центнердан ошиб кетди. Механик-ҳайдовчилар Ҳ. Дўсматов, Ў. Шербеков, М. Расуловлар машиналарида 170—200 тоннадан пахта теришди.

### ЗАРБДОР ОТРЯДЛАР ШИЖОАТИ

ЧИНОЗ. Терим мавсуми бошидан бери районда ташкил этилган бешта комсомол-ёшлар зарбдор отрядлари пахтакорлар мададкори бўлишяпти. Улар ўртасидаги мусобақада «Машъал» отряди комсомол-ёшлари пешқадамлик қилаётирлар. Улар ҳозиргача 364 тонна пахта териб қўйишди. «Педагог» ва «Медик» комсомол-ёшлар отрядлари ҳам пахтазорларда ғайрат-шижоат намуналарини кўрсатмоқдалар. Бу отряд ёшларидан Ф. Мусақулова, Г. Сарсенбоева, Р. Тешабоева, С. Абдуюсуповалар мавсум бошидан бери 5,7—6,2 тоннадан пахта тердилар.

### ДАЛАДА САВДО

ПИСКЕНТ. Район матлубот жамияти томонидан ташкил этилган 7 та автолавка барча хўжаликлар пахтакор ва механизаторлари, ҳашарчиларга намунали савдо хизмати кўрсатмоқда. Қишлоқ меҳнаткашлари айниқса кўчма автолавка сотувчилари А. Нуъмонов, Ў. Бекматов, А. Ҳакимовлар хизматидан мамнун бўлаётирлар. Улар белгиланган график бўйича дала шийпонларида бўлишади. Шу билан биргаликда пахтакор ва механизаторларнинг буюртмаларини ўз вақтида бажарадилар.

Район матлубот жамияти колхоз ва совхозлар дала шийпонларида 40 та сотувчисиз дўкон ҳам ташкил этди. Пахта теримида намуна кўрсатган социалистик мусобақа илғорларига эса камёб моллардан 2 мингта совға комплекти топширилди. Пахта қабул пунктлари қошида бешта чойхона ва ошхона ҳам ишлаб турибди.

## ПАХТА ДАВЛАТГА

### ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ЮЗАСИДАН 29 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий пахта тайёрлаш ҳажмига нисбатан процент ҳисобида), тўртинчи устун — шу жумладан машинада бир кунда терилгани, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида).

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ПИСКЕНТ | 0,50 | 122,17 | 0,49 | 121,16 |
| БЎКА | 0,06 | 121,71 | 0,04 | 116,69 |
| ҒАЛАБА | 0,05 | 114,30 | 0,04 | 105,26 |
| БЕКОБОД | 0,40 | 112,11 | 0,47 | 108,92 |
| ЧИНОЗ | 0,74 | 110,08 | 0,81 | 102,85 |
| ОҚҚЎРҒОН | 0,05 | 107,91 | 0,05 | 100,91 |
| КОММУНИСТИК | 0,66 | 105,92 | 0,60 | 95,21 |
| ЎРТА ЧИРЧИҚ | 0,78 | 104,74 | 0,64 | 104,42 |
| ЯНГИЙЎЛ | 0,04 | 104,08 | 0,07 | 102,97 |
| ОБЛАСТЬ БЎЙИЧА: | 0,30 | 112,02 | 0,33 | 109,85 |

Республикамиз областларида пахта тайёрлашнинг бориши (умумий пахта тайёрлаш ҳажмига нисбатан процент ҳисобида): БУХОРО — 111,71; САМАРҚАНД — 109,00; ҚАШҚАДАРЁ — 108,47; СУРХОНДАРЁ — 106, 18; ЖИЗЗАХ — 105,20; СИРДАРЁ — 103,82; ХОРАЗМ — 101,82; ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР — 100,04; Фарғона — 96,07; Андижон — 94,14; Наманган — 91,50. Республика бўйича — 101,70.

# МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ — ОКТЯБРЬ БАЙРАМИГА



Отамурод Саъдуллаев Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз механик-ҳайдовчилари ўртасидаги социалистик мусобақада пешқадамлик қиляпти. У мавсум бошидан бери «зангори кема»сида 260 тонна пахта теришга эришди.

П. Эргашев фотоси.



Машҳура Қодирова «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор ишчиси. У бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш ташаббусига қўшилиб, бугунги кунда 1986 йил ҳисобига маҳсулот топширмоқда. Суратда: КПСС аъзоси М. Қодирова.

И. Глауберзон фотоси.

## ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ

ПИСКЕНТ. 2-«Пискент» совхозининг В. Бўлиев бошлиқ бригадаси коллективи ҳосил теримини қизғин давом эттирмоқда. Ҳозир бригадада тўкилган пахтани ва кўсак териш кучайтириб юборилган. Далаларда М. Бўлиева, С. Мухтодова каби чеварлар ғайрат кўрсатишмоқда. Улар кунига 120—150 килограммдан тўкилган пахтани теришга муваффақ бўлмоқдалар.

Тўкилган пахта ва кўсак агрегатларда тозаланиб, қабул пунктига жўнатилмоқда. Бригада пахтакорлари социалистик мажбуриятларини ҳам бажариб қўйишган.

Ҳ. МИРСОЛИЕВА.

* * *

ҒАЛАБА. Олмалиқ шаҳридаги гилам фабрикаси ишчи-хизматчилари «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози «Тинчлик» бўлими пахтакорларига йиғим-теримда яқиндан ёрдам бераётирлар. Ҳашарчиларнинг ҳар бири кунига ўртача 130—160 килограммдан тўкилган пахта ва кўсак теряпти.

Бу корхона ҳашарчилари пахта теримида иштирок этаётган Олмалиқ шаҳар меҳнат коллективлари ўртасидаги мусобақада пешқадамлик қилиб, уч беш кунликдан бери шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланаптилар.

Ғ. УМАРОВ.

* * *

Шунингдек, Ҳ. Тамабоев, А. Абдусаматов, О. Тўфонова, Н. Тўфонов, Н. Турсунов, Ю. Анорбоевлар ҳам редакциямизга турли хат-хабарлар йўллашган.

## Ўртоқ Менгисту Хайле Мариамга совет мукофоти топширилди

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 28 октябрь куни Кремлда Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши (МХМК) Раиси, Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссияси (ЭМПТК) Раиси Менгисту Хайле Мариамга Октябрь Революцияси орденини топширди.

Мукофотни топшириш вақтида Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, К. У. Черненко, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков ўртоқлар, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар. Эфиопия томонидан сафарда Менгисту Хайле Мариамга ҳамроҳ бўлган давлат арбоблари иштирок этдилар.

Мукофотлаш маросимида ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

### Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Муҳтарам ўртоқлар!

Бугун биз бу ерга азиз меҳмонимиз, Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши Раиси, Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссияси Раиси ўртоқ Менгисту Хайле Мариамга Октябрь Революцияси орденини топшириш учун йиғилдик.

У империализм ва мустамлакачиликка қарши, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашдаги хизматлари учун, Совет — Эфиопия ҳартомонлама муносабатларини ривожлантиришга, Совет Иттифоқи билан Социалистик Эфиопия халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун шу юксак мукофотга сазовор бўлди.

Ўртоқ Менгисту, халқ революциясини ғалабага олиб келиш учун Сиздан ва сафдошларингиздан нақадар фидокорлик, мардлик, матонат талаб қилинганлигини биламиз.

Янги ҳаёт учун кураш ички реакцияга қарши, шунингдек ташқи душманларга қарши қийин жанглар билан олиб борилди. Бинобарин, совет кишилари курашингизни ҳамиша чуқур хайрихоҳлик билан кузатиб бордилар, эришган муваффақиятларингиздан қувондилар.

Революциянгиз юксалиб бормоқда. Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссиясининг тузилиши революциянинг тақдири учун тарихий аҳамиятга эга. Оммани жипслаштириш, илмий социализм ғояларини ёйиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — буюк бир ишдир, албатта.

Халқларимизнинг анъанавий дўстлиги интернационал бирдамлик ва тинчлик, озодлик ва социал тараққиётдан муштарак манфаатдорликнинг пишиқ-пухта негизида мустаҳкамланиб бораётганлигини зўр мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчиман. Икки томонлама алоқаларимизда қарор топган бу янги сифат СССР билан Социалистик Эфиопия ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида тузилган шартнома билан пухта мустаҳкамланган. Совет — Эфиопия муносабатларининг келажакда ҳам яхши бўлишига аминман.

Ўртоқ Менгисту, Сизга шу юксак мукофотни топшираётиб, Эфиопия революцияси идеалларининг тантанаси йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

* * *

Ўртоқ Менгисту Хайле Мариам жавоб нутқи сўзлади.

### Ўртоқ МЕНГИСТУ ХАЙЛЕ МАРИАМ нутқи

Азиз ўртоқ Леонид Ильич Брежнев, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси!

Ўртоқлар!

Октябрь Революцияси ордени билан мукофотланганлигимни Эфиопия меҳнаткашлари ғалабага эришиш йўлида империализмга қарши курашга ўз ҳиссаларини қўшиб, фидокорона олиб борган олти йиллик оғир синфий курашининг натижаларига берилган юксак баҳо деб ҳисоблайман. Бу ғалаба кишини фахрлантиради. Шунинг учун ҳам мен ва ўзим билан бирга келган эфиопиялик дўстларим алоҳида хурсандмиз.

Халқаро империализм раҳбарлигида ички ва ташқи реакция феодал буржуа тузумини ағдариб ташлашга, озодлик, тенглик ва социализм учун курашга қатъий отланган Эфиопия кенг оммасига қарши ҳақиқий уруш бошлади. Шу узоқ давом этган синфий курашда мамлакат меҳнаткашлари, ёшлари, хотин-қизлари, революционерлари ва ватанпарварлари революция меҳробига ҳаётмамотларини ҳам, мол-мулкларини ҳам тикдилар. Шунинг учун ҳам Эфиопия революцияси Эфиопия революционерларининг жуда катта қурбонлари ва куч-ғайратлари туфайли ҳозирги аҳволга эриша олди, дейиш мумкин.

Эфиопия революциясига қўшаётган ҳиссамни шунинг ҳаммасидан ажратмайман. Тарих тақозоси билан зиммамга юкланган масъулият туфайли шу ишларни қилиб келяпман. Шунинг учун ҳам ушбу мукофотни босқинчиларга қарши мардонавор курашган қаҳрамон эфиопияликлар номидан, меҳнаткашлар, революцион армиянинг ҳарбий хизматчилари номидан, Эфиопия халқи кенг оммаси номидан қабул қиламан.

Бу мукофот барча революционерларимизнинг Эфиопияда, кишини киши эксплуатация қиладиган дунёнинг ҳаммасида революцион ўзгаришлар учун империалистларга қарши олиб бораётган курашига янада катта куч, ишонч бахш этади, деб барчангизни ишонтираман.

Шу мукофот билан менга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром учун Эфиопия революционерлари ва кенг халқ оммаси номидан кўпдан-кўп ташаккур изҳор этаман.

* * *

Ҳозир бўлганлар Менгисту Хайле Мариамни юксак мукофот билан самимий қутлаб, Социалистик Эфиопияни барпо этиш ишида янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар.

(ТАСС).

## МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Ўзбекистон ССР Марказий Статистика Бошқармасининг хабар беришича, республика саноат корхоналарининг коллективлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида социалистик мусобақани кенг авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан январь-октябрь ойлари планини муддатидан илгари, 28 октябрда бажардилар.

Нефть ва кўмир қазиб олиш, электр энергия ҳосил қилиш, трактор сеялкалари, пайпоқлар, сутга айлантириб ҳисоблаганда сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўн ойлик планининг ошириб бажарилиши кутилмоқда.

(ЎзТАГ).

## МУСОБАҚАДОШЛАР ЭЛЛИКНИ КЎЗЛАЙДИ

Баҳром Эргашев билан Бекноз Бойматовларни Охунбобоев номли колхоз аъзолари ҳурмат билан тилга олишади. Уларни суяги меҳнатда қотган уста пахтакорлар, деб эъзозлашади.

Тажрибали деҳқонлар раҳбарлик қилаётган бригадалар ўзаро мусобақадош. Ўтган йили ҳар иккала коллектив ҳосилдорликни 40 центнердан оширди. Бу йил ҳам мусобақадошлар районимизда биринчилар қатори маррага етган колхозимиз улкан хирмонига баракали ҳисса қўшдилар.

Баҳром Эргашев бошлиқ бригада аъзолари 150 гектар майдондаги ҳосилни йиғиб-териб олишда намуна кўрсатиб, пахта тайёрлаш планини биринчилар қатори бажардилар. Ҳозиргача давлатга пландаги 480 тонна ўрнига 510 тоннадан ортиқ «оқ олтин» топширилди.

Етиштирилган ҳосилнинг ҳаммаси биринчи сортга сотилди.

123 гектар ерда деҳқончилик қилаётган Бекноз Бойматов бошлиқ бригада аъзолари эса ҳозирги кунгача йиллик планини 112 процент қилиб адо этди. 450 тоннадан зиёд пахтанинг ҳаммаси биринчи сортларга топширилди.

Етиштирилган ҳосилни тез ва сифатли териб олишда механизаторлардан Худойберди Бойметов, Раим Абдураҳмонов, Темир Ҳидировлар жонбозлик кўрсатишяпти.

Икки мусобақадош бригада аъзолари ҳозирги кунда ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш учун астойдил курашмоқдалар.

Қ. САЙДИНОХУНОВ,
Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ ОШИРИЛСИН, МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ МУСТАҲКАМЛАНСИН

ФАРҒОНА, 29 октябрь. (ЎзТАГ). Фарғона область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленуми қатнашчилари ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳар томонлама ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш зарурлиги тўғрисида гапирдилар. Пленумда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «Меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ва халқ хўжалигида кадрлар қўнимсизлигини қисқартириш тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари кўриб чиқилди. Область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Умаров доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан Фарғона шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Г. Фозилов, Қува район партия комитетининг биринчи секретари М Шербўтаев, Қўқон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Х. Мусабеков, Қувасой цемент комбинатининг машинисти Е. И. Малолеткина, Марғилон «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Ҳусанова, 8-қурилиш трестининг катта инженери В. А. Белоусова, «Бешариқ» совхозининг директори Е. Мелиев, Фарғона область касаба союзлари комитетининг раиси П. А. Латибжонов, Бувайда районидаги «Ленинобод» колхози партия комитетининг секретари М. Хўжамова область халқ хўжалиги беш йилликни қандай муваффақиятлар билан якунлаётганлиги тўғрисида гапирдилар. 1976 йил бошлангандан бери областда 1 миллиард 180 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилди. Мактабларни, мактабгача тарбия муассасаларини ишга тушириш беш йиллик планлари бажарилди. Бир миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жой фойдаланиш учун топширилди. Қишлоқ меҳнатчилари дон, сабзавот, пилла етиштириш ва тайёрлаш беш йиллик топшириғини бажариб бўлдилар.

Саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари ишидаги сифат кўрсаткичларини оширишда, ишлаб чиқариш потенциалидан ва одам ресурсларидан фойдаланишда муайян муваффақиятларга эришилди. Меҳнат интизоми, уни ҳисобга олиш системаси яхшиланди. Бу соҳада Фарғона механика заводининг, Марғилон «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасининг, Қувасой паррандачилик фабрикасининг коллективлари намуна қилиб кўрсатилди.

Область корхоналари ва қурилишларида КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг қарорларига, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган ва совет кишиларининг фаровонлигини ошириш тўғрисидаги оталарча ғамхўрлик руҳи билан суғорилган программавий нутқига жавобан «Беш йилликни зарбдорларча тугаллаймиз, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз!» шиори остидаги ватанпарварлик ҳаракати кун сайин кенг қулоч ёзмоқда. 32 та саноат корхонасининг, 87 та цех ва 923 та бригаданинг коллективлари беш йилликнинг тугалловчи йили планини Улуғ Октябрнинг 63 йиллиги кунигача бажариш мажбуриятини олдилар. Шу кунларда қишлоқ жойларда ҳам кўпгина ватанпарварлик ташаббуслари вужудга келди. Ҳозир дала меҳнатчилари «оқ олтин» учун зўр ғайрат билан жанг қилмоқдалар. Ҳозиргача давлат хирмонига 550 минг тоннадан кўпроқ пахта элтиб берилди. Чорвадорлар ҳам жонажон партия съездини янги муваффақиятлар билан кутиб олиш учун кўп куч сарфламоқдалар. Улар чорвачилик фермаларининг маҳсулотини етиштиришни кескин кўпайтириш юзасидан белгиланган тадбирларни муваффақиятли амалга оширмоқдалар.

Пленум қатнашчилари областдаги ишларнинг аҳволини таҳлил этиб, корхона ва қурилишларда, муассаса ва ташкилотларда, колхоз ва совхозларда меҳнатни ташкил этиш ва ишлаб чиқариш интизоми соҳасида катта камчиликлар борлигини ҳам уқтириб ўтдилар. Пленумда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, кадрларнинг қўнимсизлигини қисқартириш учун зарур тадбирларни кўрмаётган бир қанча корхона, ташкилот, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари танқид қилинди. Баъзи партия ташкилотлари, хўжалик органлари, бирлашма ва корхоналарнинг раҳбарлари, халқ депутатлари Советлари меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, ишчилар ва колхозчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилашга, ишлаб чиқаришни ташкил этишда зарур аниқликни таъминлашга эътибор бермаётганликлари кўрсатиб ўтилди.

Пленум қатнашчилари меҳнаткашлар ўртасида ташкилотчилик ва сиёсий иш даражасини, ҳар бир раҳбар ходимнинг, ҳар бир коммунистнинг ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида тартиб ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш учун бўлган масъулиятини ошириш, кадрларнинг муқимлигини вужудга келтириш, уларни топширилган иш учун жавобгарликни сезиш руҳида тарбиялаш, меҳнат ва турмуш шароитларини ҳар томонлама яхшилаш зарурлиги тўғрисида юксак партиявий талабчанлик позицияларида туриб гапирдилар.

Пленумда шу кунларда пахтазорларда юксак уюшқоқликни таъминлаш муҳимлиги алоҳида куч билан таъкидлаб ўтилди. Екин-сочин бошлангунча жамики етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олиш ва Фарғонанинг олти юз минг тонна пахтасини Ватанга топшириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни Улуғ Октябрнинг 63 йиллигигача бажариш учун барча машина-механизмларни ва одам ресурсларини тезроқ ишга солиш ҳамда улардан самаралироқ фойдаланиш зарур.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Пленум қабул қилинган қарорда меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалигида кадрларнинг қўнимсизлигини қисқартириш юзасидан, съезд олди социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш юзасидан конкрет тадбирларни белгиладилар.

